

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ВА АНДИЖОН
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ
DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

МИСИРОВА СУРАЙЁ АБДУМУТАЛОВНА

**МАНЗАРАЛИ ГУЛЛАРНИНГ ЗАМБУРУҒ ТУРЛАРИ ҚЎЗҒАТУВЧИ
КАСАЛЛИКЛАРИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ**

06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2017

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
agricultural sciences**

Мисирова Сурайё Абдумуталовна.

Манзарали гулларнинг замбуруғ турлари қўзғатувчи касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари 3

Мисирова Сурайё Абдумуталовна.

Грибковые болезни цветочных культур и меры борьбы с ними.17

Misirova Surayyo Abdumutalovna.

Types of fungi-pathogens of ornamental flower crops and measures of their control.33

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 36

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Qx52 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.agrar.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Холмурадов Эркин Авазович**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Махмудходжаев Нажмиддин Мавлянходжаевич**
биология фанлари доктори, профессор

Бойжигитов Фозил Мухаммадиевич
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ва Андижон қишлоқ хўжалиги институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали.)

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (__ рақами билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. ТошДАУ АРМ биноси, 1-қават. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60.

Диссертация автореферати 2017 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2017 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси.)

Б.А.Сулаймонов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, б.ф.д., профессор

Я.Х. Юлдашов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, к/х.ф.н., доцент

М.М.Адилов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, к/х.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё микёсида, бугунги кунда, манзарали гул экинларида 1500 дан зиёд зараркунанда ва касалликлар кўзгатувчи микроорганизм турларига қарши кураш чоралари олиб борилмоқда. Ушбу касалликларни кўзгатувчи микроорганизмларнинг 92 фоизи эса замбуруғ турларига тўғри келади. Шунинг учун, манзарали гулларнинг замбуруғ турлари кўзгатувчи касалликларини, уларнинг биоэкологик хусусиятларини, тарқалиш қонуниятларини аниқлаш ва уларга қарши кураш чораларини такомиллаштириш гулчилик самарадорлигини ошириш имконини беради.

Республикамызда гулчилик соҳасини ривожлантириш борасида кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда. Олимларимиз томонидан Ўзбекистон иқлим шароити учун янги бўлган гул навларини маданийлаштириш, замбуруғ турлари кўзгатувчи касалликларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш ва бошқа омилларга бардошлиликка эришиш бўйича тадқиқотлар ўтказилиб манзарали гулларни соғлом ўстириш агротехникаси ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясида ўсимликларни ҳимоя қилиш, айниқса гулчиликни ривожлантиришга эътибор берилган. Бу борада касаллик ва зараркунандаларга бардошли, тупроқ иқлим шароитига мос гул навларини яратиш ва манзарали гулларда замбуруғ турлари кўзгатувчи касалликларини олдини олиш усулларини такомиллаштириш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий тадқиқот ишларини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда, дунёнинг ривожланган бир қатор мамлакатлари, жумладан: Голландия, Англия, Франция, АҚШ да гул ўсимликларини етиштириш ҳамда уларнинг касалликларини аниқлаш ва кураш чораларини самарали усуллари йўлга қўйилган. Гул ўсимликларидаги *Fusarium*, *Botrytis*, *Sphaerotheca*, *Puccinia* туркумига мансуб касал кўзгатувчи замбуруғ турлари географик жиҳатдан жуда кенг тарқалган бўлиб, бу эса мазкур касаллик кўзгатувчи замбуруғ турлари иқлим шароитига қараб ўз шаклини ўзгартириши аниқланган. Шу сабабдан, Ўзбекистон ҳудудида кўп экиладиган ҳамда маданийлаштирилган гул ўсимликларидаги касаллик кўзгатувчи замбуруғ турларини иқлим шароитидан келиб чиқиб, уларнинг биоэкологик хусусиятлари, тарқалиш қонуниятлари ва уларга қарши курашнинг самарали усулларини такомиллаштириш мақсадида тадқиқот ишлари амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 2013 йил 10 январда қабул қилинган 4-сонли қарори ва «Ўзбекистон Республикасида ландшафт дизайнини ривожлантириш дастурини тасдиқлаш тўғрисида» ги 2013 йил 13-август 223-сонли мазкур қарор фаолиятига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий

хужжатлардаги вазифаларни илмий жиҳатдан амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўсимликлар, микроорганизмлар, шу жумладан замбуруғлар ҳам ўзининг биоэкологик хусусиятларини ўзгартириб боради. Шунинг учун, замбуруғ турларини тадқиқ этиш узлуксиз давом этадиган жараёндир. Дуне микёсида жумладан, Италия шароитида Cristinzio Gennaro лилия ўсимлигида *Phytophthora cotianae* var. *parasitica* кўзгатиш касаллиқни қайд қилган. A. Francaschini, S. Serris ва A. Foddai эса шу давлатда *Gerber jamesonii hybrida* турини тупроқ замбуруғлари ва шу жумладан *Fusarium* оиласига мансуб турлар энг кўп зарар келтиришини аниқлаган.

Республикамиз шароитида ҳам қишлоқ хўжалик экинларининг касаллиқлари олимлар томонидан кўп йиллар давомида ўрганилиб келинмоқда. Жумладан, П.К.Озолин, П.Н.Головин, Н.Г.Запрометов, М.А. Каримов, Б.О.Хасанов, С.С.Рамазанова ва уларнинг кўплаб шогирдлари қишлоқ хўжалиги экинларига энг кўп зарар етказувчи замбуруғ турларининг биологияси, экологияси, физиологик-биокимёвий хусусиятлари, уларнинг тарқалиш қонуниятлари ва систематикасини ўрганиб, шу асосда уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиб амалиётга тадбиқ этишган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълимнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети илмий тадқиқот ишлари режасининг ҚХА-9-141-2015 «Қишлоқ хўжалик экинларини зарарли организмлардан ҳимоя қилишнинг илмий асосланган мажмуавий дастурини яратиш» (2015-2017 йй.) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Тошкент ва Наманган вилоятларининг очиқ дала ва иссиқхоналар шароитида ўстирилаётган манзарали гулларда энг кўп учрайдиган замбуруғ турлари кўзгатувчи касаллиқларини аниқлаш ва уларга қарши кураш чораларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

касалланган гул ўсимлик ва уларнинг касалланган аъзоларидан гербарий намуналарини йиғиш ва улардаги касаллик кўзгатувчи замбуруғ турларини аниқлаш;

замбуруғ турлари кўзгатиш касаллиқларнинг ташхисларини аниқлаш;

танланган гул ўсимликларида энг хавфли бўлган касаллик кўзгатувчи замбуруғ турларини касаллантириш даражасини аниқлаш;

гул ўсимликларида кўп учрайдиган замбуруғ турлари кўзгатиш касаллиқларга қарши кураш чораларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида танланган худудларда кенг тарқалган, истеъмолчилар томонидан юқори даражада баҳоланувчи атиргул,

кашқаргул, чиннигул, картошкагул, гулисумбул, тоғ мингтомири, илонгул, гулсапсар, лилия, лола, итоғиз, наргис, пионгул, флокс ва хризантема каби гул ўсимликлари олинди.

Тадқиқотнинг предмети манзарали гулларда аниқланган 59 та тур, 11 та форма ва 1 та вариацияга мансуб касаллик қўзғатувчилар бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар мазкур фан соҳасига тегишли андозаларга мос равишда, услубий қўланмаларга асосан ўтказилди. Дала шароитида замбуруғ турлари қўзғатувчи касалликлар билан касалланган гул ўсимликларидан гербарий намуналарини йиғишда М.К.Хохряков усулидан, лаборатория шароитида эса гул ўсимликлари уруғларидан замбуруғ турларини ажратиш ва уларнинг турларини аниқлашда Н.А.Наумова, А.Я.Семенов, А.П.Абрамова, М.К.Хохряков усулларидан, ка-салланган ўсимлик тўқималаридаги замбуруғ турларини аниқлашда В.И.Билай, П.Н.Головин, Т.А.Доброзракова, М.К.Хохряков, Н.И.Гапоненко каби олимлар ишлаб чиққан аниқлагичлардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Тошкент ва Наманган вилоятлари шароитида ўстирилаётган 15 та тур гул ўсимликларидан касаллик қўзғатувчи 59 та замбуруғ турлари ва уларнинг 11 та форма ва 1 та вариацияси аниқланган;

танланган гул ўсимликларида 81 та замбуруғ турлари қўзғатган касалликлар билан касалланиши исботланган;

тажрибада танланган 15 та тур гул ўсимликларда энг хавфли деб топилган фузариоз сўлиш 10 та тур гулни, кулранг чириш 11 та, занг 11 та ҳамда ун-шудринг 6 та тур гул ўсимликларини касаллантириши аниқланган;

республикамиз шароитида танланган манзарали гул ўсимликларида аниқланган касалликларга қарши биологик усулда *Trichoderma viride* замбуруғини, кимёвий усулда Максим, Байлетон, Фундазол фунгицидларини қўллаш агротехник тадбирлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

манзарали гул ўсимликларида учрайдиган хавфли касалликларга қарши биологик усулда *Trichoderma viride* замбуруғини антогонист сифатида 120 кг/га меъёрда қўлланилганда биологик самарадорлик энг юқори кўрсаткични ташкил этган;

кимёвий усулда эса фузариоз чириш касаллигига қарши Максим фунгициди 1,5% сус.к (0,4 л/т), атиргулнинг ун шудринг касаллигига қарши Байлетон 25% н.кук (1,0%), занг касаллигига қарши Фундазол 50% н.кук. (2,0 кг/га) ва қора доғланиш касаллигига Байлетон 25% н.кук (1,0 кг/га) фунгицидлари қўлланилганда юқори натижаларга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги: дала тажрибаларининг апробация комиссиялари томонидан ижобий баҳоланганлиги; илмий тадқиқотлар тўғрисидаги ҳисоботларнинг муҳокама этилганлиги ва ҳисоботларнинг тақриз қилинганлиги; экспериментал маълумотларнинг статистик таҳлилдан ўтказилганлиги ва олинган илмий натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги; тадқиқот натижалари республика ва

чет элда ўтказилган илмий-амалий конференцияларда, инновацион ярмаркаларда муҳокама қилинганлиги, сертификат ва дипломлар олинганлиги ҳамда ОАК эътироф этган илмий журналларда мақолалар чоп этилиши билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти фитопатология соҳасидаги назарий билимларни янада кенгайтириб, гул етиштирадиган иссиқхоналарда замбуруғлар қўзғатган касалликларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва уларнинг ташхисини тўла тавсифлаб беришдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти иссиқхоналар шароитида гулларни етиштиришда юзага келадиган касаллик қўзғатувчи замбуруғ турларига қарши кураш чораларини жорий қилиниши ва гулчилик фермер хўжаликларида фузариоз касаллигига қарши Максим препаратининг (1,5% сус.к) сарф меъёри 0,4 л/т бўлганда биологик самараси 85,1% га эришилганидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Манзарали гулларнинг замбуруғ турлари қўзғатувчи касалликларга қарши кураш бўйича илмий-тақиқотлар натижалари асосида:

манзарали гулларнинг замбуруғ турлари қўзғатувчи касалликларига қарши кураш чоралари 2009-2015 йиллар мобайнида Тошкент вилояти Қибрай тумани «Шомил» гулчилик ва «Адолат» фермер хўжаликларида, Наманган шаҳрининг «Мусаффо Гранд Оил» хусусий корхонаси, «Наманган гуллари савдо сервис» ва «Водий кўкаламзор савдо сервис» маъсулияти чекланган жамияти, «Фирдавс Ифори» корхонаси ва «Дехқон-М» фермер хўжалиқларининг жами 6,5 гектар иссиқхона шароитларида жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2016 йил 29 ноябрдаги 02/20-1256-сон маълумотномаси). Бунда иссиқхона шароитида атиргул ўсимлигининг фузариоз касаллигига қарши Максим препарати билан қаторларга ишлов берилганда 0.01 га майдондан 428 дона гул ўсимлигини асраб қолинган ва иқтисодий самараси (дона/100м² хисобида) ўртача 843 минг 400 сўмни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 11 та, жумладан 6 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр қилинган, 1 та монография чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 105 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Манзарали гулларнинг замбуруғ турлари қўзғатган касалликлари ва уларга қарши кураш чораларининг ҳозирги ҳолати ва муаммолари»** деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи таҳлил қилинган бўлиб, унда гулчилик соҳасининг инсонлар ҳаётида тутган ўрни, кўп қирралиги, ривожланган бир қатор мамлакатлар аҳолисининг гул ўсимликларига бўлган талабини қондириш учун уларни иссиқхоналар шароитида ўстириш яхши йўлга қўйилганлиги баён этилган. Аммо, гулчилик саноатини янада ривожлантириш учун маълум даражада тўсқинлик қиладиган омиллар ҳам йўқ эмас. Улардан асосийлари гул ўсимликларининг ҳосилига, уларнинг зийнатлигига салбий таъсир қилувчи ҳар хил гуруҳга мансуб зараркунанда, касалликлар ва ноқулай келган об-ҳаво шароитларидир.

Маълумки, ҳар мамлакатнинг географик жойланиши, унинг иқлими, тупроқ таркибида ва шу муҳитда ўсаётган ўсимлик турларига мослашган касалликлари ҳам мавжуддир. Олимлар эса касалликларни, касаллик қўзғатувчи замбуруғ турларини, уларнинг биологияси ва экологиясини, тарқалиш қонуниятларини ўрганиб уларга қарши агротехник, кимёвий ва биологик кураш чораларини ишлаб чиққанликлари диссертация мавзусининг долзарблигини кўрсатади.

Диссертациянинг **«Тадқиқот ўтказиш жойи, иқлим шароити ва иш услублари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жойнинг иқлим шароити, табиий-географик ва агрометеорологик тавсифи ва тажриба ўтказиш шароити бўйича илмий иш манбалари ва иш услублари келтирилган. Тажрибалар 2009-2015 йиллар мобайнида Тошкен ва Наманган вилоятининг гулчилик фермер хўжалиқларида ва лаборатория ишлари эса Тошкент давлат аграр университетининг «Ўсимликлар ҳимояси ва карантин» кафедрасида олиб борилганлиги келтирилган.

Диссертация мавзуси бўйича тадқиқотлар қуйидаги кетма-кетликда бажарилган: Касалланган гул ўсимликлари ва уларнинг аъзоларидан гербарий намуналарини йиғишда М.К.Хохряков усулидан, гул ўсимликлари уруғларидан замбуруғ турларини ажратиш ва уларнинг турларини аниқлашда Н.Н.Наумова, А.Я.Семенов, А.П.Абрамова ва М.К.Хохряков усулларида, касал ўсимлик тўқималаридаги замбуруғ турларини аниқлашда В.И.Билай, П.Н.Головин, Т.А.Доброзраковаларнинг аниқлагичларидан фойдаланилган. Касалланган ўсимликларнинг қайтарилишини инобатга олган ҳолда, ҳисоблагич вариант бўйича ўртача Гаусс шкаласидан фойдаланилган.

Замбуруғларнинг тур тартибини ўрганиш билан бир қаторда касалликларнинг учраш даражасини ва тарқалишларини қуйидаги формула асосида аниқланган: $P = \frac{\Pi_k}{N} \cdot 100$ бунда, P-касаллик тарқалиши, %; N-тажрибадаги ўсимликлар сони, дона; Π -тажрибадаги умумий касалланган ўсимликлар сони, дона. Касал гул ўсимликларига қарши курашда эса С.Н. Масковец, И.С.Федоринчик, Х.Т.Тиллаев ҳамда иқтисодий самарадорликни ишлаб чиқишда А.Ф.Ченкин усулидан фойдаланилди.

Диссертациянинг «Манзарали гул ўсимликларидан ажратилган ва аниқланган касаллик қўзғатувчи замбуруғ турлари ва уларнинг систематик жойланиши» деб номланган учинчи бобида Тошкент ва Наманган вилоятлари шароитларида ўстирилаётган гуллардан ажратилган ва аниқланган касал қўзғатувчи замбуруғ турлари ва уларнинг систематик жойланиши бўйича тадқиқот натижалари келтирилган. Лаборатория шароитида миколог ва фитопатолог олимлар ишлаб чиққан ва шу илмий соҳада қабул қилинган аниқлагичлардан фойдаланиб уларнинг турлари аниқланган.

Гул ўсимликларидан ажратилган замбуруғ турларининг систематик жойланишлари 1-жадвалда келтирилган. Бу жадвалда кўришиб турибдики, 6 йил давомида Тошкент ва Наманган вилоятларининг иссиқхоналари шароитида ўстирилаётган гуллардан касаллик қўзғатувчи 59 та тур, 11 та форма ва 1 вариация замбуруғлари ажратиб олинган бўлиб, улар 4 та синф, 7 та бўлим, 11 та оила ва 28 та туркумга мансублиги аниқланган.

Энг кўп турларни *Deuteromycotina* синфига кирган замбуруғ турлари ташкил қилади. Улар 35 тур ва 5 та формадан иборат. Кейин *Basidiomycotina* синфи-16 та тур, *Ascomycotina*-6 та тур, 4 та форма, 1 вариация, *Mastigomycotina* эса 5 та турдан иборатдир. Энг кам мицелия стерелия гуруҳи-1 та турни ташкил қилади. Тажрибада кўп учраган замбуруғнинг *Fusarium* туркумига мансуб турлар киради. Улар 6 та тур ва 6 формадан иборат. Улардан *F.oxysporum* f. sp. *dianthi*, *F.oxysporum* f.sp.*chrysanthemi*, *F.oxysporum* f.sp.*glodioli*, *F.oxysporum* f.sp.*lilii*, *F.oxysporum* f.sp.*narcissi*, *F.oxysporum* f.sp.*tulipa* ва *F.oxysporum* турлари фуза-риоз сўлиш, *F.avenaceum*, *F.moniliforme*, *F.heterosporium*, *F.solani*, *F.culmorum*, *F.gibbosum*, *F.redolens* лар фузариоз чириш касалликларини қўзғатдилар. Кейин *Botrytis* оиласига мансуб 6 та тур кулран чириш ва доғланиш касалликларини қўзғатади. *B.cinerea*-қашқаргул, картошкагул, хризантема, чиннигул, тоғ минг-томири, гулисовсар, атиргул ўсимликларини, *B.gladiolorum*-илонгули, *B.elliptica* лилияни, *B.narssicola*-нарциссни, *B.paeonia*-пионгулни, *B.tulipa*-лолани касал-лантирди. Занг касаллиги 13 та тур гул ўсимлигида: *Puccinia antirrhini*-итоғиз-ни, *P.arenaria*-картошкагулни, *P.chrysanthemi*-хризантемани, *P.asters*-қашқар-гулни, *P.gladioli*-илонгулни, *P.iridis*-гулисовсарни, *P.schroeteri*-нарциссни, *Uromyces caryophyllinus*-чиннигулни, *U.lilie*-лилияни *U.scillarum*-гулисумбулни, *Cronartium flaccidum*-пионгулни, *Phragmidium disciflorum*. *Phr. tuberculatum*-атиргулни касаллантирди.

1-жадвал.

Гуллардан ажратилган замбуруғ турлари ва уларнинг систематик жойланиши (2009-2015 йиллар)

Синф	Тартиб	Оила	Туркум	Замбуруғ тури, уларнинг форма ва вариациялари			
1	2	3	4	5			
<i>Mastigomycotina</i>	<i>Peronosporales</i>	<i>Pythiaceae</i>	<i>Pythium</i>	<i>P. ultimum</i> Trow.			
			<i>Phytophthora</i>	<i>P. cryptogea</i> Petheb.et Laff.			
		<i>Peronosporaceae</i>	<i>Peronoplasmoparaa</i>	<i>P. sparsa</i> (Berk.) Uljan.			
			<i>Peronospora</i>	<i>P. antirrhini</i> . Schroet <i>P. lili</i> . Stenina			
<i>Ascomycotina</i>	<i>Erysiphales</i>	<i>Erysiphaceae</i>	<i>Sphaerotheca</i>	<i>S. fuliginea</i> f. <i>dahlia</i> Movs.			
				<i>S. macularis</i> f.sp. <i>rosae</i> Jacz.			
				<i>S. pannosa</i> var. <i>rosae</i> Woroiich.			
			<i>Erysiphe</i>	<i>E. cichoriacearum</i> f. <i>asteris</i> Jacz.			
				<i>E. cichoriacearum</i> f. <i>phlogis</i> Jacz.			
			<i>Sclerotinia</i>	<i>S. bulborum</i> (Wakk.) Rehm.			
				<i>S. gladioli</i> (Mass.) Dray.			
				<i>S. paeonia</i>			
				<i>S. sclerotiorum</i> (Lib.) D.B.			
				<i>S. tuliporum</i> Kleb			
			<i>Basidiomycotina</i>	<i>Ustilaginales</i>	<i>Ustilaginaceae</i>	<i>Ustilago</i>	<i>U. violaceae</i> (Pers.) Fuck.
						<i>Entyloma</i>	<i>E. dahlia</i> Syd.
						<i>Urocystis</i>	<i>U. gladioli</i> W.G. Smith.
<i>Uredinales</i>	<i>Melampsoraceae</i>	<i>Cronartium</i>		<i>C. flaccidum</i> (Alb.et.Schw.) Wint.			
				<i>Phragmidium</i>	<i>Ph. disciflorum</i> (Tode.) James. <i>Ph. tuberculatum</i> J.Muller		
		<i>Uromyces</i>		<i>U. caryophyllinus</i> (Schrank) Wint.			
				<i>U. lili</i> (Link.) Fuck.			
				<i>U. scillarum</i> (Grev.) Wint.			
		<i>Puccinia</i>		<i>P. antirrhini</i> Dieth. Et. Holv			
				<i>P. arearia</i> (Schum.) Wint.			
				<i>P. asteris</i> Duby			
				<i>P. chrysanthemi</i> Roze			
				<i>P. gladioli</i> Cast. <i>P. iridis</i> (DC.) Wallroth <i>P. schroeteri</i> Pass			

1-жадвал давоми

1	2	3	4	5
Deuteromycotina	Moniliales	Moniliaceae	<i>Oidiopsis</i>	<i>O. phlogis</i> Golov.
			<i>Oidium</i>	<i>O. chrysanthemi</i> Rabenh. <i>O. erysiphoides</i> f. <i>gerberae</i> Fe.
			<i>Penicillium</i>	<i>P. corymbiferum</i> Westl.
				<i>P. cyclopium</i> Westl.
				<i>P. gladioli</i> Mc. Cull. et. Thom.
			<i>Botrytis</i>	<i>B. cinerea</i> Pers.
				<i>B. gladiolorum</i> Timmer.
				<i>B. elliptica</i> (Berk.) Cooke
				<i>B. narcissicola</i> Kleb.
				<i>B. paeoniae</i> (Oud.) v. Beyma <i>B. tulipae</i> (Lib.) Horkins.
			<i>Verticillium</i>	<i>V. albo-atrum</i> Reinc. at. Berth.
				<i>V. dahlia</i> Kleb.
			<i>Ramularia</i>	<i>R. paeoniae</i> Vogl.
	Dematiaceae	<i>Cladosporium</i>	<i>C. paeonia</i> Thuem.	
		<i>Alternaria</i>	<i>A. dianthi</i> Stev. Et. Hall. <i>A. Florigena</i> Nelen.	
	Acervulales	Tuberculariaceae	<i>Marssonina</i>	<i>M. rosae</i> (Lib.) Died.
			<i>Fusarium</i>	<i>F. avenaceum</i> (Fe.) Sacc.
				<i>F. culmorum</i> (Sm.) Sacc.
				<i>F. gibbosum</i> App. Et. Wr. emend Bilai.
				<i>F. Heterosporium</i> Hees.
				<i>F. solani</i> (Mart.) App. et Wr.
				<i>F. redolens</i> We.
				<i>F. oxysporum</i> f. sp. <i>chrysanthemi</i> G.M. et J.K.
<i>F. oxysporum</i> f. sp. <i>dianthi</i> (Prill. Et Debacr.) Snyd. Et Hans.				
<i>F. oxysporum</i> f. sp. <i>gladioli</i> (Mass.) Snyd. et Hans.				
<i>F. oxysporum</i> f. sp. <i>lilii</i> Jmle.				
<i>F. oxysporum</i> f. sp. <i>narcissi</i> Snyd. Et Hans.				
<i>F. oxysporum</i> f. sp. <i>tulipae</i> Apr.				
Pycnidiales				Sphaerioideae
	<i>P. gerberae</i> Dzhall.			
	<i>P. paeoniae</i> Sacc. Et Speg.			
	<i>Phoma</i>	<i>Ph. chrysanthemi</i> Vogl.		
	<i>Septoria</i>	<i>S. antirrhini</i> Desm.		
		<i>S. paeoniae</i> West.		
	<i>Rhizoctonia</i>	<i>R. solani</i> Kuhn.		
	Жами: 4	7	11	

Диссертациянинг «Манзарали гулларда кўп учрайдиган касаллик кўзгатувчи замбуруғ турларининг биологик хусусиятлари ва уларнинг гулчиликка етказадиган зарари» деб номланган тўртинчи бобида гул ўсимликларида замбуруғ турлари кўзгатувчи касалликлар, гулларнинг касалланиш даражаси, ўсимликларнинг қайси аъзоларини касалланганлиги, касалланиш жараёнида патоген билан ўсимлик хўжайинининг муносабатлари ҳамда касалликларнинг тарқалишлари ва гулчилик саноатига етказган зарарларини аниқлаш бўйича тадқиқот натижалари ёритилган (2-жадвал).

2-жадвал.

**Гул ўсимликларида аниқланган касалликларнинг номлари
(2009-2015 йиллар)**



Гулларнинг номи	Касалликларнинг номи																					
	Альтернариоз	Ботритиоз	Вертициллийоз сўлиш	Занг	Қора куя	Кладоспориоз	Марсония	Пенициллийоз	Рамуляриоз	Септариоз	Склератиниоз	Сохта ун шудринг	Ун шудринг	Филластиктоз	Фузариоз сўлиш	Фузариоз чириш	Фитофтороз	Ризактаноз	Фомоз	Питиоз	жами	
Қашқаргул	+	+	+	+	+								+		+	+	+					9
Хризантема		+	+	+									+		+	+		+	+	+		9 (1)
Тоғминг-томири		+											+	+	+	+	+					6
Пионгул		+		+		+			+	+				+		+						7
Илонгул		+		+	+			+							+							6
Итоғиз			+	+						+		+		+	+							6
Атиргул		+		++			+				+	+	+									5 (2)
Чиннигул	+			++	+										+	+						5 (1)
Картошка-гул		+			+								+		+							5
Лилия		+		+							+	+			+	+						5
Лола		+						+							+	+						5
Гулисумбул				+				+			+					+						4
Нарцисс		+		+											+							4
Гулисовсар		+		+												+						3
Флокс			+										+									2 (1)
Жами	2	11	4	11	3	2	1	3	1	2	5	3	6	3	10	9	2	1	1	1	1	81

Бундан ташқари ботритиоз ва занг касаллиги билан 11 тадан тур гул ўсимликлари, фузариоз сўлиш билан-10 та, фузариоз чириш билан-9 та, ун шудринг билан-6 та, склератиниоз билан-5 та, вертициллийоз билан-4 тадан, қоракуя, пенициллийоз, сохта ун-шудринг, филластиктозлар билан-3 тадан, алтернариоз, кладоспориоз, септариоз, фитофтороз-2 тадан, марсонина,

ризактаниоз, фомоз ва питиозлар эса фақат биттадан гул ўсимликларини касаллантирди.



Умуман тадқиқот ўтказиш жараёнида танланган 15 та тур гул ўсимликлари жами 81 та замбуруғ турлари қўзғатган касалликлар билан касалланишлари аниқланди. Тадқиқот ишларини олиб бориш жараёнида, республика шароитида илк бор, шу 81 та касалликларнинг ташхиси ва замбуруғ турларининг морфологик хусусиятларининг тавсифлари аниқланди.

Тошкент вилоятида кенг тарқалган ва жуда ҳавfli хисобланган фузариоз сўлиш ва чириш, ун-шудринг, кулранг чириш ва занг касалликларининг гул ўсимликларини касаллантириш даражасини ҳар бир тажриба йилини ўртача уч йилликка нисбатан солиштириш 1-4 диаграммаларда келтирилган.



1-диаграмма. Тошкент вилояти шароитида фузариоз сўлиш ва чириш касаллигининг танланган 15 та тур гул ўсимликларини касаллантириш даражаси. ЎУЙ-ўртача уч йиллик.

2-диаграмма. Тошкент вилояти шароитида кулранг чириш касаллигининг танланган 15 та тур гул ўсимликларини касаллантириш даражаси. ЎУЙ-ўртача уч йиллик.




3-диаграмма. Наманган вилояти шароитида ун-шудринг касаллигининг танланган 15 та тур гул ўсимликларини касаллантириш даражаси. ЎУЙ-ўртача уч йиллик.

4-диаграмма. Наманган вилояти шароитида занг касаллигининг танланган 15 та тур гул ўсимликларини касаллантириш даражаси. ЎУЙ-ўртача уч йиллик.


Диссертациянинг «Манзарали гулларда кўп учрайдиган замбуруғ турлари кўзғатган касалликларга қарши кураш чораларини такомиллаштириш» деб номланган бешинчи бобида манзарали гулларда энг хавфли деб топилган касалликларга қарши кураш чоралари ва унга асосланиб иқтисодий самарадорлиги ҳисоблаб чиқилган.

Маълумки, кўпчилик фитопатоген микроорганизмлар кўзғатган касалликларга қарши *Trichoderma* туркумига мансуб турлари кишлок хўжалик экинларида замбуруғ турлари кўзғатган касалликларига қарши юқори даражада антагонистик хусусиятига эга эканлиги тўғрисида жуда кўп маълумотлар келтирилган. *T.viride* ни гул ўсимликларидан ажратилган фузариоз чириш касалликларига қарши самарадорлигини аниқлаш учун сулида ўстирилган триходермани 60 ва 120 кг/га ҳисобидан ва 4 ва 8 г/л замбуруғнинг соф спораларидан фойдаланилди. Назорат лизиметрига инокулюмлар умуман қўшилмади. Тажриба 4 марта такрорланди Триходерма замбуруғини тупроққа қўшиб экинларни экканда соғлом ўсимликларнинг сони назоратга нисбатан анча юқори бўлди. Энг юқори биологик самарадорлик 68,6% га етган бўлиб, бунда меъёрини 120 кг/га га оширганда кўпроқ соғлом ўсимликлар олишга эришилди (5-диаграмма).

Республикамиз шароитида манзарали гул ўсимликлари касалликларига қарши кимёвий кураш чоралари сифатида “Давлат кимё комиссиясининг фойдаланиш учун рухсат этилган кимёвий воситалар” рўйхатида киритилган фунгицидлардан фойдаланиб, уларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилди. Бунда асосан манзарали гул ўсимликларининг Фузариоз чириш касалликларига қарши Барака (1,0-2,0 кг/т), Максим- 2,5% (0,2 ва 0,4 л/т), Витавакс 200-75 (3,0-4,0 кг) ва Топсим-М 70% н.кук (1,0-1,5 кг/т) фунгицидлари қўлланилди. Эталон сифатида кўпчилик ўсимликларнинг илдиз чириш касалликларига қарши қўлланилган-да яхши натижа берган Фундазол 50% н.кук (2,0 кг/т) қўлланилди (6-диаграмма).



5-диаграмма. Гул ўсимликларидаги фузариоз чириш касаллигига қарши қўлланилган *T. viride* замбуруғининг биологик самарадорлиги («Фирдавс ифори» ф/х, 2009-2012 йй)



6-диаграмма. Фузариоз илдиз чириш касалликларига қарши дорилашда қўлланилган препаратнинг биологик самараси («Шомил» ф/х, 2013-2015 йй)

Trihoderma viride замбуруғининг иқтисодий самараси назоратда 0,01 (100 м²) гектардан олинган соф фойда 2199000,0 сўмни, рентабеллик эса 760,9 % ни ташкил қилди. Худди шу кўрсаткичлар *Trihoderma viride* замбуруғининг сулида кўпайтирилиб, 60 кг/га миқдорда қўлланилганда соф фойда 2555319,0 сўмни, рентабеллиги эса 873,1 % ни ташкил қилди. Ушбу замбуруғни 120 кг/га миқдорда қўллаганда эса соф фойда 2667238,0 сўмни, рентабеллиги 911,1 % ни ташкил қилди. Худди шунингдек ушбу замбуруғнинг соф споралари 4 г/л ва 8 г/л миқдорда қўлланилганда соф фойда мос равишда 2299252,0 ва 2443032,0 сўмни ва рентабеллиги 785,4 % ва 833,9 % га тенг бўлди. Ушбу келтирилган маълумотлар асосида шундай хулоса қилиш мумкинки хризонтема гулини фузариоз чириш касаллигига қарши *Trihoderma viride* замбуруғини гектарига 120 кг/га миқдорда қўллаш натижасида юқори самарадорликка эришиш мумкинлиги исботланди.

ХУЛОСАЛАР

1. Тошкент ва Наманган вилоятларининг иссиқхоналари шароитида ўстирилаётган 15 та тур гул ўсимликларидан 658 та гербарий намуналари олинди ва улардан касал қўзғатувчи 59 та замбуруғ турларининг 11 та форма ва 1 вариацияси аниқланди. Улар 4 та синф, 7 тартиб, 11 та оила ва 28 та туркумга мансублиги қайд этилди.

2. Энг кўп турларни *Deuteromycotina* синфига мансуб замбуруғлар ташкил қилди. Улар 32 тур ва 7 та формадан иборат бўлди. Кейинги ўринларда *Basidiomycotina* синфи-16 та тур, *Ascomycotina*-5 та тур, 4 та форма, 1 вариация, *Mastigomycotina* эса 5 та турдан ҳамда энг кам *Mycelia Sterilia* гуруҳи эса 1 та турга мансублиги аниқланди.

3. Энг кўп учраган замбуруғлар *Fusarium* туркумига мансуб турлардан 7 та тур ва 6 та формадан иборатлиги аниқланди.

4. Кулранг чириш ва доғланиш касаллигини *Botrytis* туркумига мансуб 6 та тур қўзғатиши кузатилди.

5. Ун-шудринг касаллигини 8 та замбуруғ турлари қўзғатганлиги аниқланди.

6. Занг касаллигида жами 13 та тур касал қўзғатувчи замбуруғ турлари аниқланди.

7. Манзарали гул ўсимлигида кулранг чириш, ун-шудринг, занг ва фузариоз касалликлари энг хавfli деб топилди.

8. Тошкент ва Наманган вилоятлари шароитида ўстирилаётган 15 та тур гул ўсимликларида 81 та касаллик тури аниқланди.

9. Гул ўсимликларида замбуруғ турлари қўзғатган касалликларга қарши биологик кураш усулида *Trichoderma viride* замбуруғини энг юқори 120 кг/га га оширганда кўпроқ соғлом ўсимликлар олишга эришилди, биологик самарадорлик эса 68,6% га етди. Бу препаратни замбуруғ қўзғатувчи касалликларга қарши иссиқхоналар шароитида гул ўсимлигини етиштириш учун тавсия этилади.

10. Илонгул, нарцис, лола гулларининг Фузариоз илдиз чириш касаллигига қарши Максим, Топсин-М, Витавакс ва Барака фунгицидлари синовдан ўтказилганда, энг яхши натижа Максим фунгицидида қайд этилди. Илонгулнинг пиёзи Максим препарати билан 0,4 л/т меъёрда дориланганда биологик самара 85,1% гача эришилди. Максим фунгицидини гул ўсимликларидаги фузариоз касалликлари учун тавсия этилади.

11. Чиннигул қаламчаларини кулранг чириш касаллигига қарши дорилаш учун Фундазол 50% н.кук. (1,0 ва 2,0 кг/га) препарати яхши натижа беради. Унинг биологик самараси 86,4 ва 90,4%; Байлетонда ушбу кўрсаткич 82,7% ва 84,1%; Топсин-М да 77,2% ни ташкил қилди. Чиннигулнинг кулранг чириш касаллиги учун Фундазол фунгициди тавсия этилади.

12. Атиргулнинг занг касаллигига қарши Фундазол (1,0 ва 2,0 кг/га), Фоликур (1,0 ва 1,2 кг/га), Топсин-М (0,5 кг/га ва 1,0 кг/га) фунгицидлари қўлланилганда энг яхши натижа Фундазолда кузатилди. Унинг биологик самараси 72,1%, Фоликурда (1,2кг/га) 66,0% ва Топсин-М (1,0 кг/га) препаратидан эса 59,1% гача эришилди. Атиргулда учрайдиган занг касаллиги учун Фундазол фунгициди тавсия этилади.

13. Атиргулнинг ун-шудринг касаллигига қарши Байлетон 25% нам.к., Топсин-М 70% нам.к. Фоликур 25% эм.к. препаратлари қўлланилганда яхши натижа Байлетон (1,0%) қўлланилган вариантда олинди. Бунда биологик самара 75,6%; Фоликурда (1,0%) эса 74,0% ни ташкил қилди. Атиргулни ун-шудринг касаллиги учун Байлетон фунгициди тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ И АНДИЖАНСКОМ
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

МИСИРОВА СУРАЙЁ АБДУМУТАЛОВНА

**ГРИБКОВЫЕ БОЛЕЗНИ ЦВЕТОЧНЫХ КУЛЬТУР И МЕРЫ БОРЬБЫ
С НИМ**

06.01.09 – Защита растений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

Ташкент–2017

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.1.PhD/Qx52.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.agrar.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziynet.uz.

Научный руководитель: **Холмурадов Эркин Авазович**
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Официальные оппоненты: **Махмудходжаев Нажмиддин Мавлянходжаевич**
доктор биологических наук, профессор

Бойжигитов Фозил Мухаммадиевич
кандидат сельскохозяйственных наук

Ведущая организация: Национальный Университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека

Защита диссертации состоится «__» _____ 2017 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Qx.13.01 при Ташкентском государственном аграрном университете и Андижанском сельскохозяйственном институте. (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Тел./Факс (+99871)260-48-00. e-mail: tuag-info@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована за № ____). 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Тел./Факс (+99871)260-48-00. e-mail: tuag-info@edu.uz.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2017 г.
(протокол рассылки № _____ от «__» _____ 2017 г.)

Б.А. Сулаймонов

Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.б.н., профессор

Я.Х. Юлдашов

Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней,
к.с.х.н., доцент

М.М. Адиллов

Председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.с.х.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время, по всему миру осуществляются меры по борьбе с более чем 1500 видами вредителей и микроорганизмов, вызывающими болезни у декоративных цветов. Из микроорганизмов, вызывающих болезни, 92% относятся к различным грибкам. Поэтому, определение болезней декоративных цветов, вызывающие различные грибки, их биоэкологические свойства, правила распространения и улучшение мер по борьбе с ними дает возможность улучшения эффективности цветоводства.

В республике проводятся широкомасштабные мероприятия по развитию цветоводческой отрасли. Учеными были проведены исследования по окультуриванию цветочных сортов, являющимися новыми для климатических условий Узбекистана, выработаны меры по борьбе с видами грибков-возбудителей болезней и достижению сопротивляемости к другим факторам и была выработана агротехника выращивания здоровых декоративных цветов. В стратегии действий по развитию Республики Узбекистан в течении 2017-2021 годов уделено внимание защите растений, особенно развитию цветоводства. В связи с этим было уделено большое внимание увеличению исследовательских работ по усовершенствованию и внедрению в производство методов создания цветочных сортов, устойчивых к болезням и вредителям, подходящим к почвенно климатическим условиям и методы профилактики болезней, вызванных грибками-возбудителями.

В настоящее время в ряде развитых стран мира, в том числе в Голландии, Англии, Франции, США поставлены на производство эффективные методы выращивания цветочных растений, определение их болезней и борьбы с ними. Было определено, что виды грибков-возбудителей болезней такие как *Fusarium*, *Botrytis*, *Sphaerotheca*, *Puccinia* географически широко распространенные, меняют свою форму в зависимости от климатических условий. По этой причине с целью улучшения эффективных методов борьбы с грибками- возбудителями болезней у много высаживаемых и окультуренных в Республике Узбекистан цветочных растений, их биоэкологические свойства, законы распространения и борьбы против них были проведены исследовательские работы

Были приняты постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан от 10 января 2013 года под №4 “О мерах по усовершенствованию организационных работ по благоустройству населенных пунктов Узбекистана” и от 13 августа 2013 года под № 223 «Об утверждении программы развития ландшафтного дизайна в Республике Узбекистан», исследования данной диссертации в определенной степени служат осуществлению на практике задач, определенных в других нормативно-правовых документах, связанных с деятельностью данного постановления.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Диссертация выполнена в соответствии со следующим приоритетным направлением развития науки и технологии Республики Узбекистан V. "Сельское хозяйство, биотехнология, экология и защита окружающей среды."

Степень изученности проблемы. Согласно законам природы растения, микроорганизмы, а также грибки изменяют свои биоэкологические особенности. Поэтому изучение видов грибков является непрерывным процессом.

В масштабах планеты, в условиях Италии на растении лилия *Cristinzio Genera* был зафиксирован возбудитель болезни *Phytophthora cotianae* var. *parasitica*. Ученые A.Francaschini, Serrs S., A.Foddai выявили, что почвенные грибки вида *Gerber jamesonii hybrida*, в том числе виды, относящиеся к семейству *Fusarium* причиняют наибольший вред.

В условиях нашей республики ученые исследуют болезни сельскохозяйственных культур в течении многих лет. В том числе, П.К. Озолин П.Н. Головин, Н.Г. Запраметов, М.А. Каримов, С.С. Рамазанова, Б.О. Хасанов и их многочисленные ученики, изучив биологические, экологические, физико-биохимические особенности видов грибков, приносящих самый большой вред сельскохозяйственным культурам, законы их распространения и систематику, на основе этого разработали меры борьбы против них и внедрились на практике.

Связь темы диссертации с планом научно-исследовательских работ высшего учебного заведения или научно-исследовательской организации, где выполнена диссертационная работа. Диссертационная работа была выполнена в Ташкентском Государственном аграрном университете в рамках практического проекта Государственной программы КХА-9-141-2015 "Создание научно-обоснованной комплексной программы по защите сельскохозяйственных культур от вредных организмов" (2015-2017 гг.)

